БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ – ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ МУҚАДДАС МАҚСАД ВА ВАЗИФАМИЗ

Р.РЎЗИЕВ

Илму маърифат инсонни юксакка кўтаради. XXI асрда , мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз.

Ислом КАРИМОВ

"Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида кишиларни бирлаштирувчи юрт – фазилатли юртдир, ўсиб келаётган ўғил-қизларини баркамол қилиб тарбиялашни энг катта мақсад деб билгувчи халқ фазилатли халқдир"- деган эди ватандошимиз, аллома Абу Наср Фаробий. Бугунги кунга келиб ана шу мақсад асосида олиб борилган кўп йиллик амалий ишлар ўзининг нафақат нишонасини, балки ўз самарасини бермоқда. Ёшларимизнинг камолига боқиб, таълим-тарбия соҳасидаги тарихий ўзгаришларга қараб бунга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Йилдан-йилга тобора равнақ топиб бораётган, ўғил-қизлари ҳар соҳада ўз камоли билан дунёга довруғ таратаётган Ўзбекистон яқин йиллар ичида бундан-да обод ва файзли бўлишига ишонамиз, Ўзбекистонда ёшлар тарбияси, таълимдаги ислоҳотлар тўғрисида сўз кетганда, баркамол авлод сўзига алоҳида урғу бериб, уни Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, деб атади Юртбошимиз.

Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб баркамол авлод тарбияси – чинакам маънода давлат ишига айланди, давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинди. Таълим-тарбия инсонни, инсон орқали бутун бошли жамиятни ўзгартиради, юксалтиради. Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, Болалар спортини ривожлантириш, мусиқа мактабларини бунёд этиш, "Камолот" ижтимоий ҳаракати фаолиятини такомиллаштириш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофотини таъсис этиш, "Янги авлод", "Келажак овози" каби танловларни ташкил этиш, қўйингки, жамият ривожи, мамлакат тараққиёти билан боғлиқ барча мақсад ва интилишлар асосида комил инсон, баркамол авлод тарбияси ётади. Чинакам илм, чинакам эзгу тарбия асосини яратган шахс салоҳияти, меҳнати, фидойилиги ҳеч қачон инсонлар, бутун инсоният назаридан четда қолмайди. Эзгу иш ҳамиша эътибор топади. «Зар қадрини заргар билади» дейдилар. Бугун Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ўз мамлакати, жамияти ривожини фақат таълим, илм-фан билан таъминлаган бахтли, фаровон жамиятга шу йўл билан эришган қатор хорижий давлатларнинг нуфузли илмий марказлари, халқаро ташкилотлар, давлат раҳбарлари ҳам эътироф этмоқда. Чунончи, Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти, Плеханов номли Рос-

сия иқтисодиёт академияси, Голландиянинг Фонтис университети, Россия Олий мактаб фанлари халқаро академияси, Москва Давлат университети, Испаниянинг Алкаладе Энорес университети, Япониянинг Васеда ҳамда Соке Гаккай университетлари ва қатор ҳалқаро ташкилотлар, нуфузли ҳалқаро академиялар, жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан Юртбошимизга топширилаётган фахрий академик, фахрий профессор, фахрий докторлик унвонлари ана шу эзгу яратувчанлик, фидойилик, бунёдкорликка берилаётган юксак баҳодир. Қолаверса, бугун дунё жамоатчилиги Ўзбекистоннинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзига мос ва ўзига хос ўрин эгаллаш борасидаги эришаётган ютуқлари, барқарор натижаларини тан олмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ***"Агар биз ўз вақтида узоқни кўзлаб эртага ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрпар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, айни шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётини тобора юксалишига эриша олармидик?!"***

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури давлат раҳбарининг ўз халқи, туғилаётган, вояга етаётган ўғил-қизлари тўғрисида, уларнинг бахт-саодати, бир сўз билан айтганда, Ватан, миллат, халқ келажаги тўғрисида қайғуришининг гўзал бир намунасидир. Россия Олий мактаб фанлари халқаро академияси президенти Валентин Шукшунов таъбири билан айтганда ***«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - таълим муаммоларига чуқур илмий ва янгича ёндошув натижаси бўлиб, унинг бошида Давлат раҳбарининг бевосита ўзи туриши чиндан ҳам дунёда бетакрор ҳодисадир. Бу Давлат раҳбарининг ўз ватанининг сиёсий-иқтисодий истиқболини таълим ва халқ маънавияти билан уйғун кўра олиш салоҳияти ифодасидир».***

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бўлиб, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўсиб келаётган ёшларни комил инсон даражасида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жамият аъзоларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони бу борадаги вазифаларни белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, Фармонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва хуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар - давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлиги эътироф этилди. Фармон ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" бир неча йилдан буён юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида олиб борилаётган ишларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир.

Мақсадга эришишда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш каби масалалар асосий вазифа бўлиб ҳисобланди. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсатининг принциплари қаторига ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув, ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик тамойиллари кириши билан бирга, юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат

сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш ҳамда юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш масалалари муҳим ўрин тутади.

Яъни, ҳар бир демократик давлат ўзида қонун устувор бўлишини кўзлар экан, аввало мамлакат халқининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси ва тафаккурига жиддий аҳамият қаратилишини тақозо этади.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни таъминлаш масалалари ҳар доим давлат раҳбарининг диққат марказида бўлиб келган. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим".

Бу жараёнда ёшларнинг қалбига, вужудига гўдаклик пайтидан бошлаб Ватанга муҳаббат, ўз юртига садоқат туйғулари билан ҳамоҳанг равишда одоб-ахлоқ, қонун-қоидалар ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчаларни сингдириб бориш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ёшлар тарбияси ҳақида тўхталиб, "юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш – бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак", дея таъкидлаганларидек, ёшлар тарбияси, айниқса, уларнинг ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлиш масаласи ҳамма вақт давлатнинг диққат марказида бўлиб келмокда.

Шу ўринда айтиш жоизки, ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш барча ўқув юртларида, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ҳуқуқи ҳақида болаларбоп билимларни ўргатиш, ҳуқуққа оид фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, адлия, одил судлов, прокуратура, ички ишлар органларининг иш тажрибаси юзасидан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиш ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланади.

Биз бугун янги минг йилликда яшамоқдамиз. XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Шубҳасиз, фарзандлари интеллектуал жиҳатдан баркамол, билимли, соғлом ор-номусли, мустақил фикрли, қатъий эзгу мақсад йўлини тутган, иродали, ватанпарвар бўлган давлат қудратли ва кучли бўлади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, билим - куч-қудрат, билим — ҳимоячи ва жаҳолатга нисбатан қалқон! Билим — фаровонлик, тинчлик асоси сифатида энг буюк неъматга айланди.

Ўн тўққиз йил давомида ғоят мураккаб синовлардан ўтдик. Мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёшларни не-не ёвуз ғоялар, кучлар таъсиридан, жаҳолатдан фақат ана шу билим ва маърифат орқали асраб қолди. Бугун Ўзбекистоннинг барча туман ва шаҳарларида, қишлоқларида, қад кўтарган, кўркамлиги, моддий-техника базаси, замонавийлиги билан бир-биридан қолишмайдиган, фарзандларимизга, билим, касбу-кор бераётган соғлом ва комил инсонлар қилиб тарбиялай бошлаган таълим масканларини чин маънодаги маърифат қўрғонлари, дея атагингиз келади.

Ўзбекистонда 2010 йил – "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниб, энг эзгу, энг улуғ мақсад йўлида яна бир қатъий қадам ташланди. 2009 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармойишида янги йилда амалга ошириладиган вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги қарорига мувофиқ "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастурдан кўзланган мақсад, қарорда қайд этилганидек, **мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.**

Давлат дастури 11 бўлим ва 101 банд-

дан иборат бўлиб, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, ундан кутиладиган натижалар, сарфланадиган маблағлар миқдори ва молиялаштириш манбалари, шунингдек, ижро муддатлари ва масъул ижрочиларнинг қатъий белгилаб қўйилгани бу муҳим ҳужжатнинг тўла ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Биринчи бўлимда болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базан такомиллаштириш билан боғлиқ чора тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. **Иккинчи** бўлимда эса оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғликни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш билан боғлиқ вазифалар ўз аксини топган.

Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларда талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув услубий адабиётларни такомиллаштириш йўналишидаги муҳим ишларга учинчи бўлимда ўрин берилган.

Дастурнинг бешинчи бўлимида замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз аксини топган.

Олтинчи бўлимда эса ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини кўриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш масаласи билан боғлиқ аниқ тадбирлар белгиланган.

Ёшларни, энг аввало касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш, илм-фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш борасида муҳим чора-тадбирлар дастурнинг еттинчи ва саккизинчи бўлимларидан жой олган.

Дастурнинг навбатдаги 9,10 ва 11 бўлимларида ёш оилалар тўғрисида ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш борасида ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли "оммавий маданият" иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш, Дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини тизимли ташкил этиш билан боғлиқ бўлган қатор долзарб вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. 2010 йилда Дастурда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга жами 7898,03 млрд. сўм ва 165,43 млн. АҚШ доллари сарфлаш кўзда тутилган.

Таъкидланганидек Дастур кенг қамровли бўлиб **бир томондан** шу пайтгача баркамол авлодни шакллантиришни таъминлаш билан боғлиқ қабул қилинган Давлат дастурлари ва бошқа чора-тадбирларни мантиқан давоми бўлса, **иккинчи томондан** баркамол авлод тарбияси, мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқ устувор йўналишлар асосида энг муҳим вазифаларни ҳал этишни назарда тутади. Дастур ижросига назар ташлайдиган бўлсак, унда ҳар бир вазирлик, давлат ташкилотлари, шу билан бирга, қатор нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишини кўрамиз.

Янги йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берилиши баробарида давлатимиз, халқимиз яна бир карра униб-ўсиб келаётган фарзандларини ҳар томонлама баркамол бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас вазифа деб билишини бутун дунёга намоён этмоқда.

ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
2010 йил 16 февралда қабул қилинган